АРАБ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА АУДИО МАТЕРИАЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ АУДИОМАТЕРИАЛОВ В ОБУЧЕНИИ АРАБСКОГО ЯЗЫКА

THE METHODS OF USING AUDIO MATERIALS IN TEACHING ARABIC

Калит сўзлар: *араб тили, аудиоматериал, тинглаш, матн, савол, жавоб.*

Ключевые слова: *арабский язык, аудиоматериал, слушание, текст, вопрос, ответ.*

Key words: *Arabic language, audio resources, listening, text, question, ansver.*

Турли миллат ва элатлар иқтисодий-маданий ва яна бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик қилишларида тил асосий алоқа воситаси ҳисобланади. Шунинг учун қадимдан турли миллат вакиллари бир-бирларининг тилларини ўрганишга ҳаракат қилганлар. XXI асрга келиб бир кишининг камида уч тилда бемалол сўзлаша олиши оддий ҳол бўлиб қолди. Айни пайтда давлатлараро ҳамкорликлар ривожланаётгани сайин чет тилларини ўрганишга эҳтиёж ўсиб, малакали мутахассисларга талаб кучайиб бормоқда. Юртимизда ҳам чет тилларини ўрганишга қизиқиш кун сайин ўсиб бормоқда. Дунё тилларини ўрганишимиз учун кўплаб тил ўқитиш марказлари очилмоқда.

Ҳозирги кунда араб давлатлари билан иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиш мустақил тараққиёт йўлидан кетаётган республикамиз учун катта амалий аҳамиятга эга. Бундай ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантириш ўша мамлакатларнинг тили – араб тилини билувчи кадрлар бўлишини тақозо этади. Республикамиздаги бир қатор олий ўқув юртларида араб тили асосий ёки қўшимча шарқ тили сифатида ўқитилади. Бундан ташқари бу тилга эҳтиёж кўплиги туфайли кўплаб марказларда ҳам ўргатилмоқда.

Чет тилларини мукаммал эгаллаган, бу тилда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш учун замон талабига жавоб берувчи дарсликлар яратилиши жараёнида анъанавий услублар билан бирга замонавий педагогик услублар ва ах-

Мақолада араб тилини ўқитишда аудио ва видеоматериаллардан фойдаланганда ўтилган материални мустаҳкамлаш ҳамда талабаларда тинглаш, сўзлашиш компетенцияларини ривожлантиришда қўлланиладиган услублар ҳақида маълумот берилган.

В статье описываются методы для развития прослушивания и разговорной речи в арабском языке, а также укрепление пройденных материалов студентами при использовании аудио и видеоматериалов.

The article focuses on the use of audio and video material in teaching Arabic language, as well as enhancing and gives information about used methods in increasing of reading and listening comprehension skills in students.

борот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш давр талабига айланди. Чет тилларини ўрганишда талаффуз, тинглаш, ўқиш, ёзиш ва оғзаки нутқ кўникмаларини бирдай ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу кўникмаларни эгаллашда аудио ва видеоматериалларидан унумли фойдаланиш орқали кўзланган натижага эришиш мумкин. Чунки ахборот технологиялари тез суръатларда ривожланиб бораётган асримизда ҳаётимизни бирор техникасиз тасаввур қила олмаймиз. Янги техник воситалар барча ишимизни енгиллаштириб бермоқда. Шунингдек, чет тилларини ўрганишда турли техника воситалари ўрганиш жараёнини ҳам осонлаштириб ҳам тезлаштириб бераяпти.

Араб тили иккинчи тил сифатида ўқитиладиган йўналишларда грамматик қоидаларни чуқур ўрганиш учун эмас, балки талабаларнинг шу тилда кундалик мавзуларда суҳбат қура олишларига керак бўлувчи диалог ва матнлар ўқитилади. Албатта, бу жараённи амалга оширишда аудио ва видео материаллардан фойдаланиш яхши самара беради.

Амалий машғулот давомида талаба дастлаб берилган диалогнинг аудио шаклини тинглаб, уни дафтарда ёзма ифодалайди, сўнгра унинг китобдаги нусхаси билан солиштириб, ўз хатолари устида мустақил ишлайди, сўнг янги сўз ва ибораларни ўзлаштиради. Диалогни тўлиқ ўзлаштириб бўлгач, уни ўқиб диктофонга ёзиши жараёнида ўз нутқи ва талаффузи устида ишлаш кўникмаси шаклланади. Аудио материалларидан фойдаланганда бирор мавзудаги диалог ўрганилгач, унинг лексикасини ўзлаштириш, талабада шу мавзуда суҳбат қура олиш малакасини ҳосил қилиш учун бир неча усуллардан фойдаланиш мумкин. Кейинги жараёнда ўтилган диалог сўзлари асосида бошқа мазмундаги матн берилади. Янги матн сўзлари талаба учун 100 фоиз таниш бўлиши керак. Талаба матнни тинглаб, уни таржима қилади. Кейинги босқичда ушбу матнни диктант шаклида ёзади. Сўнгра ўз таржимаси ва диктанти қиёсланганида ўзининг хатоларини топиб тўғрилаши мумкин. Бу жараёнда талаба тинглаш, ёзиш компетенцияларини бажаради. Кейинги босқичда ўша мавзу бўйича бошқа матн эшиттирилади, талаба матнни тинглагач, унинг мазмунини сўзлаб беради. Сўзлаб бериш учун матн мазмуни тасвирланган расмлардан ҳам фойдаланиш самаралидир. Чунки талаба расмни тасвирлаш жараёнида ўз фикрини қўшимча элементлар, яъни сўзлар билан ҳам бойитиши мумкин. Талабаларга бирор мавзуни тасвирлаётганда унинг хатоларини кўрсатиш учун тўхтатмаслик керак. Чунки талаба ўз фикрини йўқотиб қўйса, ўз хатоларини тўғрилашдан кўра фаол бўлмасликка ҳаракат қилади.

Аудио материал билан ишланадиган кейинги жараёнда талабага матн мазмунидан келиб чиқилган жумлалар берилади. Талаба матнни тинглаш жараёнида ундаги фикр тўғри ёки нотўғрилигини белгилаб боради. Вазифа сўнггида матнда айнан ўқилмаган, лекин матнга оид жумлалар берилиши талабанинг мустақил фикрлашига туртки бўлади. Масалан:

ترك حارث مدينة بغداد. بغداد مدينة جميلة. انتقلت الشركة إلى جدة. حارث مدير الشركة في جدة. جدة مدينة كبيرة وجميلة جدا. يذهب حارث مع أسرته إلى شاطئ البحر. ويذهب حارث إلى مكة لآداء العمرة والصلاة في المسجد الحرام. تستغرق الرحلة من جدة إلى مكة ساعة واحدة تقريبا.

Ушбу аудио матнга қуйидаги вазифани бериш мумкин:

Матнни тинглаб, «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобини белгиланг.

1	ترك حارث مدينة بغداد	لا	نعم
2	انتقلت الشركة إلى بغداد	لا	نعم
3	حارث مدير الشركة في بغداد.	لا	نعم
4	جدة مدينة كبيرة وجميلة	لا	نعم
5	يذهب حارث مع الأصدقاء إلى شاطئ البحر.	لا	نعم
6	ويذهب حارث إلى مكة المكرمة	لا	نعم
7	تستغرق الرحلة من جدة إلى مكة ساعة ونصف الساعة تقريبا.	لا	نعم
8	يذهب حارث إلى مكة بالسيارة	لا	نعم
9	حارث الآن في جدة	لا	نعم
10	أسرة حارث في العراق	لا	نعم

Талаба ўтилган аудиоматериални тўлиқ тушунса, охирги 3 та жумлага матн мазмунидан келиб чиқиб жавоб беради.

Аудиоматериалга қуйидагича вазифа ҳам бериш мумкин:

Талаба диалогни тинглаб, нуқталар ўрнини керакли сўз билан тўлдириб боради. Бу жараёнда вазифада феълнинг шахси ўзгариши мумкин, яъни диалогдаги жавоб берувчи 3 шахс кўринишида ифодаланади.

من أين حضرت يا بدر؟	حضرت من باكستان.
هل حضرت للعمل؟	لا، حضرت للدراسة.
هل تسكن في المدينة؟	نعم أسكن في المدينة.
كيف تذهب إلى الجامعة؟	أذهب بالحافلة.
أين تقضي العطلة؟	أقضيها في القرية.

1	حضر بدر من.....
2	حضر بدر ل.....
3	بدر يسكن في.....
4	يذهب بدر إلى الجامعة ب.....
5	يقضي بدر العطلة في .....

Аудиоматериал билан ишлашни яна бир вазифа орқали мустаҳкамлаш мумкин. Бунда талабага бир нечта қисқа диалог шакллари берилади. Сўнгра ўша диалог мазмуни акс этган жумлалар ўқилади. Талаба жумлаларни тинглаб қайси диалогга тегишли эканини белгилаб бориши керак. Масалан:

1. محمد قادم مع أسرته من ماليزيا للعمرة. تقيم الأسرة في فندق قريب من المسجد الحرام.
2. أحمد قادم من بنغلاديش للعمل. فقد أحمد الحقيبة. في الحقيبة ملابس.
3. غسان قادم من مورتانيا. فقد غسان جوزات السفر والتذاكر.
4. محمد طالب كشميري. محمد قادم للزيارة.

Диалоглар:

1	-هل أنت قادم للعمرة؟ - لا، أنا قادم للعمل. - ماذا في الحقيبة. - في الحقيبة ملابس.	3	من أين أنت؟ أنا من ماليزيا. أين تقيم؟ أقيم في فندق قريب من المسجد الحرام.
2	هل أنت هندي؟ لا، أنا كشميري. ما مهنتك؟ أنا طالب.	4	ماذا فقدت؟ فقدت الحقيبة الصغيرة. ماذا في الحقيبة؟ جوزات السفر والتذاكر

Хулоса қилиб айтганда, аудиоматериаллар билан ишлаш талабаларда тил ўрганишда талаб қилинувчи барча компетенцияларнинг бирдай шаклланишида катта аҳамиятга эга. Аудиоматериаллар бўйича бериладиган турли очиқ ва ёпиқ тест турлари ўтилган мавзуни тўлиқ ўзлаштириш ва мустаҳкамлашда яхши самара беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. العربية بين يديك إشراف د.عبد الرحمن آل الشيخ، الرياض 2003 م

2. Клычникова З.И. Психологические особенности обучения чтению на иностранном языке. / Пособие для учителя. 2 изд. – М: Просвещение, 1973.

Zulfiya SHAKIROVA,
O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi «Sharq filologiyasi» kafedrasi d.v.b, tarix fanlari nomzodi